

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЯРОВ НОДИРЖОН ТАХИРОВИЧ

**МИЛЛИЙ-ЎУДУДИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВОСИТАСИДА ТАСВИРИЙ
САНЪАТ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Суяров Нодиржон Тахирович

Миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини
такомиллаштиришнинг методик асослари3

Суяров Нодиржон Тахирович

Методологические основы совершенствования содержания обучения
изобразительное искусство со средством национально-региональных
материалов.....23

Suyarov Nodirjon Taxirovich

Methodological foundations for improving the content of teaching fine arts with the
means of national-regional materials46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications50

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЯРОВ НОДИРЖОН ТАХИРОВИЧ

**МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВОСИТАСИДА ТАСВИРИЙ
САНЪАТ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фан ва техниканинг ривожланиши, турли мазмундаги технологияларнинг ҳаётга жадал суръатда кириб келиши муносабати билан таълим мазмунини барқарор тараққий эттиришга бўлган талаб янада кучайди. 2030 йилгача қабул қилинган барқарор тараққиёт таълими концепциясида ҳам “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” каби долзарб вазифалар белгилаб берилган. Жамиятнинг замонавий талаб ва эҳтиёжлари асосида барча соҳаларда бўлгани каби бевосита бадиий таълим мазмуни ва методикасини такомиллаштириш тасвирий санъатнинг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш заруриятини юзага келтирмоқда. Зеро, тасвирий ва амалий санъатда маълум бир халқнинг дунёқараши, рухий ва маънавий-эстетик кечинмалари, ҳаётий тажрибаси, миллий-маданий мероси, кадриятлари ўзига хос тарзда тасвирланади.

Дунёда ўқувчиларни тасвирий санъатни ўрганишга қизиқишини ривожлантириш, бадиий-дидактик ўйинлар воситасида тасвирий санъатни ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштириш, тасвирий ва амалий санъат орқали таълим олувчиларда бадиий-эстетик компетентликни ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ўқувчиларнинг тасвирий ва халқ амалий санъатига қизиқишини интернал (ички) ва экстернал (ташқи) мотивларга устуворлик бериш асосида шакллантириш, уларнинг ижодий фаолияти ва бадиий-эстетик тафаккурини ўлкашуносликка оид материаллар воситасида ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу билан бирга, тасвирий санъат ўқитиш методикаси самарадорлигини ошириш ва бадиий таълим мазмунини такомиллаштиришда миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материаллардан фойдаланишнинг назарий асосларини амалиётга татбиқ этиш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусдан бири сифатида ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси самарадорлигини янада ошириш¹га устувор аҳамият берилмоқда. Бу эса, миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материалларидан тасвирий санъат дарсларида фойдаланишнинг дидактик моделини ишлаб чиқиш, тасвирий санъат дарсларида миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материалларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2020 й., 07/20/4688/0475-сон.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва 2020 йил 23 сентябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштириш муаммолари Р.Ҳасанов, Б.Орипов, А.Сулаймонов, Ў.Нуртаев, А.Амануллаев, А.Турдалиев, О.Худоёрова, ўқувчиларнинг тасвирий санъатга оид билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида ривожланишида тасвирий санъатнинг ижобий таъсири масалалари С.Булатов, Н.Ойдинов, ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда тасвирий санъат предметининг тутган ўрни Б.Бойметов, Н.Толипов, С.Абдирасилов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари рассом-педагогларидан Е.С.Кондахчан, Г.В.Лабунская, Н.Н.Ростовцев, В.С.Кузин, Э.И.Кубышкина, Т.Я.Шпикалова, И.Ю.Руднев, Е.Е.Рожкова кабилар ўрта мактабда ўқувчиларни расм чизишга ўргатиш, бошланғич синфларда тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси, болалар ижодкорлигини ривожлантириш масалаларини ўрганишган.

Г.Гирт, В.Рейн, А.Диккель, Е.Шеллер (Германия), Жак Луи Давид, Жан Огюст Доминик Энгр, Антуан-Жан Гро, Виолле-ле-Дюк (Франция), Е.Кун, Л.Пранг, Л.Тэдд (АҚШ) каби хорижлик олимлар тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси фанининг илмий-назарий асослари ва мазмунини такомиллаштириш, тасвирий санъат фанини ўқитишда миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материаллардан фойдаланиш муаммоларига доир илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатдики, 5–7-синф тасвирий санъат дарсларида миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришнинг методик жиҳатлари, модели ва технологияси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақазо этади.

Тадқиқотнинг диссертация мавзуси бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий-худудий материалларнинг бадиий ва педагогик имкониятларини ўрганиш;

тасвирий санъатга доир миллий-худудий материалларни танлаш мезонларини аниқлаштириш;

миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришга қўйиладиган педагогик талабларни ишлаб чиқиш;

тасвирий санъат таълими мазмунини миллий-худудий материаллар воситасида лойиҳалаш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш жараёни танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга доир тарихий, ижтимоий, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўқув-меъёрий хужжатларни ўрганиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома); педагогик тажриба-синов; математик-статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий-худудий материалларнинг бадиий ва педагогик имкониятлари арттаълимнинг миллий маданият ва санъатга йўналтирилган этнобадиий, замонавий ўқитиш технологияларига доир лойиҳавийлик, қайта ишлаб чиқишга йўналганлик, натижавийлик каби методик-технологик компонентларини “маданий диалог” концепти билан муқобиллик даражасини босқичма-босқич кенгайтириш орқали аниқлаштирилган;

тасвирий санъат таълими мазмунини лойиҳалашнинг миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материалларни танлаш билан бевосита боғлиқ устуворлик, мақсадга йўналганлик, фрагментация, интеграция каби мезонлари этномаданиятнинг трансляция, коммуникация, трансформация белгиларини ўзида акс эттирувчи “социокод”ни санъатнинг этник ўзига хослиги сифатида ифода этиш асосида аниқлаштирилган;

тасвирий санъат дарсларида миллий-худудий ва ўлкашуносликка доир ўқув материалларидан фойдаланиш жараёнлари устоз-шогирд анъаналарини бадиий менторлик модели билан идентификациясини таъминлаш, санъат таълимига когнитив-прагматик услубни татбиқ этишнинг вербаллик ва образлилик даражаси продуктивлигини қатъий белгилаш орқали

такомиллаштирилган;

тасвирий санъат таълими мазмунини миллий-худудий материаллар воситасида лойиҳалаш технологияси ўлкашунослик объектларининг реал ва виртуал шакллари фазовий тасаввурларда идеал ва анологик тарзда “жонлантириш”, ранг ва қалам тасвир элементларини дивергент ва конвергент тафаккур услуги билан интеграциялашнинг конструктив жиҳатларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

тасвирий санъат дарсларида фойдаланиладиган миллий-худудий ва ўлкашуносликка доир материалларни танлаш, таснифлаш ҳамда тақдим этиш механизми такомиллаштирилган;

миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материалларни ўқув материали сифатида талқин қилиш асосида ўқувчиларнинг ижодий бадиий-эстетик фаолиятини ташкил этиш шакллари тизимлаштирилган;

тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришда миллий-худудий материалларидан самарали фойдаланишга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тасвирий санъат таълими соҳасидаги республикамиз, МДҲ ва чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; назарий маълумотларни расмий манбалардан олинган натижалар самарадорлиги математик статистика усуллари ёрдамида асосланганлиги, амалиётга татбиқ этилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тасвирий санъат таълими мазмуни миллий-худудий материалларга оид янги хулосалар билан бойитилганлиги, ўқувчиларнинг ижодий фаолияти ва бадиий-эстетик тафаккурининг шаклланганлик даражасини аниқлашга кўмак берувчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти миллий-худудий ва ўлкашунослик материаллари воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялардан ўқув дастурларини такомиллаштиришда, уларга мос тарзда янги авлод дарслик ва ўқув-методик адабиётлар мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

миллий-худудий оид материалларнинг бадиий ва педагогик имкониятларини арттаълимнинг миллий маданият ва санъатга йўналтирилган этнобадиий ва замонавий ўқитиш технологияларига доир

методик-технологик компонентларини “маданий диалог” концепти билан идентифицирани таъминлаш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Халқ таълими вазирининг 2020 йил 15 майдаги “Халқ таълимини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида”ги 125-сон буйруғига асосан, умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 25 декабрдаги 01/11-02/02-1596-сон маълумотномаси). Натижада, тасвирий санъат таълими мазмунини миллий-худудий материаллар асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

тасвирий санъат таълими мазмунини лойиҳалашнинг миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материалларни танлаш билан бевосита боғлиқ устуворлик, мақсадга йўналганлик, фрагментация, интеграция каби мезонларини этномаданиятнинг трансляция, коммуникация, трансформация белгиларини ўзида акс эттирувчи “социокод”ни санъатнинг этник ўзига хослиги сифатида ифода этиш асосида аниқлаштириш, тасвирий санъат дарсларида миллий-худудий ва ўлкашуносликка доир ўқув материалларидан фойдаланиш жараёнларини устоз-шогирд анъаналарини тьюторлик ва бадиий менторлик моделлари билан идентификациясини таъминлаш, санъат таълимига когнитив-прагматик услубни татбиқ этишнинг вербаллик ва образлилик даражаси продуктивлигини қатъий белгилаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 5-7-синф ўқувчилари учун “Тасвирий санъат” фанидан яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларни модернизациялаш жараёнида фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 25 декабрдаги 01/11-02/02-1596-сон маълумотномаси). Натижада, миллий-худудий материаллар асосида янги авлод тасвирий санъат дарсликларини яратиш самарадорлигини оширишга эришилган;

тасвирий санъат таълими мазмунини миллий-худудий материаллар воситасида лойиҳалаш технологияси ўлкашунослик объектларининг реал ва виртуал шакллари фазовий тасаввурларда идеал ва анологик тарзда “жонлантириш”, ранг ва қалам тасвир элементларини дивергент ва конвергент тафаккур услуби билан интеграциялашнинг конструктив жиҳатларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан 5–7-синф дарсликларини яратишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 25 декабрдаги 01/11-02/02-1596-сон маълумотномаси). Натижада, янги авлод дарсликларини яратишда миллий-худудий тавсифга иллюстрацион материаллардан фойдаланишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 5 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 124 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда умумтаълим мактабларида миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришнинг илмий назарий масалалари баён этилган.

Ўзбек халқи, хусусан, Фарғона водийси халқи ўзининг тасвирий, амалий, меъморчилик санъати билан фахрланса арзийди. Чунки, Фарғона водийси Буюк ипак йўлида жойлашганлиги боис эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморлик, миниатюра ва китоб графикаси турлари ниҳоятда ривожланган бўлиб, у нафақат Шарқ хаттоқи, Европа мамалакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Одамлар тош ва суякка тасвир туширишни, аёллар учун турли безак ва тақинчоқлар, аёлларнинг ҳайкалчаларини ясашни ўзлаштирганлар. Ғорларнинг деворларига йирик ҳайвонларнинг ташқи кўринишини, ов манзараларини тасвирловчи расмлар чизганлар. Ҳайвонлар ва овчиларнинг ҳаракатларини намоён этувчи ўйин-ракслар вужудга келган. Шу тариқа, тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлади.

Тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларга тасвирий санъат турлари тўғрисида маълумотларни интериоризация ва экстериоризация усулда ўргатиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллантиришда дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ўрни беқиёсдир.

Тадқиқот доирасида “ижодий фаолият”, “бадий-эстетик тафаккур” тушунчаларининг мазмуни-моҳиятини очиқ беришга алоҳида эътибор қаратилди ва миллий-худудий материаллар воситасида ўқувчиларнинг бадий-эстетик тафаккурини шакллантириш метод ва воситалари аниқлаштирилди.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида бадий-эстетик тафаккурни шаклланганлик даражасини аниқлашда этник омиллар, айниқса, унинг бадий-педагогик фаолиятга йўналтирилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг иждоий фаолияти ва бадий-эстетик тафаккурини камол топтириш кўп жиҳатдан уларнинг интеграл фазилатларини шакллантириш

билан боғлиқдир. Бизнинг тадқиқот ишимизда шахснинг бадиий-эстетик тасаввурларини шакллантириш учун тасвирий ва халқ амалий санъатининг анъанавий турларидан кенг фойдаланилди.

Ўз халқи ва аждодлари ўтмишини, туғилиб ўсган шахри, қишлоғи санъати ва маданияти тарихини яхши билган инсоннинг иродаси кучли бўлади, уни ҳар хил ақидалар гирдобига тушишдан сақлайди. Ўз халқининг тасвирий ва амалий санъат тарихи сабоқларини англаб етган ўқувчи ҳозирги замонни яхши тушунади, келажакни тўғри тасаввур этади.

Миллий-худудий мазмундаги материаллар “Тасвирий санъат” фани дастурларининг анъанавий бўлимлари ва мавзуларининг конкретлаштирувчи қисми ҳисобланиб, у ўқитувчиларнинг иш дастурларига ўлкашуносликка оид худудий маълумотлар киритишни тақзо этади.

Ўқувчиларнинг миллий-худудий воситалар воситасида бадиий-эстетик тарбиялашдан кўзланган асосий мақсад, нафақат миллий маданият ёки тасвирий ва амалий санъатни, шу билан бирга дунё халқлари маданияти ва тасвирий санъатини чуқур эстетик идрок эта оладиган, жаҳон маданияти ва санъатининг ривожланишида фаол иштирок этадиган баркамол шахсни тарбиялашдир.

Тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш миллийлик ва замонавийликни интеграциялаш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларга ҳар томонлама таълим-тарбия бериш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқаришга ёрдам беради. Ҳар бир ўқувчининг қобилиятини намоён этувчи фаолиятга йўллашнинг энг мақбул йўли миллий-худудий мазмундаги материаллардан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Тасвирий санъат таълими мазмунини миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид материаллар асосида такомиллаштиришнинг пировард педагогик кафолати, таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари, биринчи навбатда, танлаб олинган материалларни англаш, идрок этиш, ўзлаштириш осонлиги билан тавсифланади.

Маълумки, тасвирий санъат муайян тарихий даврнинг маҳсули ва моддий турмуш шароитининг таъсири натижасида пайдо бўлган миллий қадриятлар билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир халқнинг турмуш-тарзида унинг ўзига хос белги ва хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар узоқ давр мобайнида вужудга келади ва давр ўтган сари уларнинг айримлари турмуш амалиётидан тушиб қолади, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади. Турмуш амалиётидан тушиб қолганлари тасвирий санъат ва бадиий асарлардагина сақланиб қолинади. Миллий-худудий материаллар мақомидаги бундай маълумотлар ўқув материалли сифатида муайян фанлар, жумладан, санъат дарсларида ҳам қўлланилади.

Зеро, тасвирий санъат ўқитиш методикаси соҳасида “худудий (минтақавий) компонент” тушунчаси мавжуд бўлиб, педагогика фанида доимий тадқиқ этиб келинади.

Худуд (лотинча *regio* – ўлка, вилоят, туман) – кенглик, макон (замон, география, ижтимоий ҳаёт, маданият) билан боғлиқ бўлиб, бунда инсоннинг ижтимоийлашуви, ҳаёт тарзининг шаклланиши, миллий қадриятларни сақлаб

колиши ва келажак авлодга етказиш жараёни содир бўлади. Бу эса, дунёдаги ижтимоий ҳаёт нормаларининг йўқолиб кетаётган бир замонда жуда муҳим саналади. Шу маънода тасвирий санъат дарсларида миллий-худудий мазмундаги материаллардан фойдаланиш нафақат кадриятларни сақлаш воситаси, балки, тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш омили сифатида ҳам аҳамиятлидир

Тасвирий санъат таълимида фойдаланиладиган миллий-худудий материалларни танлаш қуйидагиларни талаб этади:

– мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-таълимий ислохотлар, амал қилинаётган устувор тенденцияларга асосланиш;

– амалдаги Давлат таълим стандартини такомиллаштириш ҳамда янгидан яратилган Миллий ўқув дастурининг структураси, мазмунига мувофиқлиги;

– танлаб олинadиган миллий-худудий мазмундаги ўқув материалларини тасвирий санъат таълимининг мақсад ва вазифаларига мослиги;

– таълим мазмунига татбиқ этилаётган миллий-худудий материалларни икки компоненти: (1) юксак бадиий-эстетик даражага ҳамда (2) таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эгаллиги ва б.

Минтақавий маданият деганда, маълум бир минтақа (Фарғона водийси) аҳолисининг ҳаётини ташкил этувчи моддий ва маънавий элементларнинг бутун бой дунёси тушунилади. Маълум бир худуднинг санъат ва маданият тарихи, халқ оғзаки ижоди, кундалик турмуш тарзи умумий маданиятнинг ажралмас қисмларидан биридир.

Тасвирий ва амалий санъат эса шу маданият тарихининг асосий компоненти сифатида ўқувчиларнинг бадиий тарбиясини такомиллаштиришда муҳим манбаа ҳисобланади.

Тасвирий санъат дарсларида миллий-худудий материаллардан фойдаланиш, ўқувчиларни Фарғона водийсида яшаб, ижод этган рассомларнинг ижоди билан яқиндан таништириш, **биринчидан**, маҳаллий халқларнинг миллий маданияти, урф-одат, кадриятлари билан танишиш; **иккинчидан**, худудда яшаётган миллатларнинг миллий маданияти ва асору-атикалари тўғрисида маълумотга эга бўлиш, уларни сақлаш ҳамда дунёга танитиш; **учинчидан**, қишлоқ жойларида меҳнат бозорини шакллантиришнинг худудий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёрлаш имконини яратади.

Таълим жараёнида миллий-худудий материаллардан фойдаланиш ўқувчиларга миллий кадриятларимизни сингдириш, бундан ташқари, Фарғона водийси халқлари миллий маданиятининг келиб чиқиш тарихи, босиб ўтган йўллари ва ривожланиши босқичлари билан таништириш шунингдек, келажакда миллий ва жаҳон маданиятига ўзининг ҳиссасини қўшишга кўмаклашади.

Тасвирий санъат таълими жараёнида маҳаллий материаллардан фойдаланиш унинг локализация (маҳаллий чекланганлик) хусусияти ва таълимшунослик учун муҳим бўлган бир қатор дидактик ва методик муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Чунки, миллий-худудий ва жаҳон

маданияти тарихини билмасдан туриб, биз ҳеч қачон умуминсоний кадриятлар тизимини англаб етмаймиз.

Диссертациянинг «**Миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат мазмунини такомиллаштиришнинг дидактик асослари**» деб номланган иккинчи бобида тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти ва бадиий-эстетик тафаккурини шакллантириш мазмунини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этишнинг методик тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ундан фойдаланишнинг дидактик жиҳатлари; Фарғона водийсидаги халқларнинг, миллий-маданий мероси, декоратив ва амалий санъати билан боғлиқ ўқув материалларини ҳажми ва мазмунига кўра танлаш, тавсифлаш ва тақдим этиш масалалари ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида узоқ тараққиёт босқичларини босиб ўтган тасвирий ва халқ амалий санъат турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этиб келмоқда. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб яшнаган санъат турлари бетакрорлиги ва ўзига хослиги билан дунёга машҳур. Бу жиҳатни ўрганиш ва уни умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириш йўллари ёш авлодни тарбиялаш механизмининг зарур дастагига айланди. Ушбу боб Фарғона водийси тасвирий ва халқ амалий санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш муаммоларига бағишланади.

Фарғона водийси халқларининг маданияти нафақат кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуролиларининг нафислиги, шу билан бирга декоратив ва амалий санъат асарларининг ўзига хос гўзаллиги, ҳайратланарли даражада содда бироқ, аниқ ўлчам ва шаклга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради.

Маҳаллий материалларда миллий маданиятнинг барча турлари ёрқин ифодасини топганлиги билан ўзига хос хусусият касб этади. Амалий санъат таркибига суяк ва ёғочга ўйиб ишланган расмлар, ҳайкалтарошлик асарлари, кийим-кечак, поябзал, уй-рўзғор буюмлари ва бино деворларига ишланган ранг-баранг безаклар бериш қиради. Маълумки, дунё икки қутбга: яхшилик ва ёмонликка бўлинади.

Мактаб ўқувчиларига эстетик таъсир кўрсатадиган Фарғона водийси халқлари маданияти ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини шакллантиради, уларни мустақил фикрлашга, хулосалар чиқаришга йўналтиради. Тасвирий санъат ўқитувчидан муайян халқ миллий маданиятининг ана шу сифат ва хусусиятларини яқиндан билган ҳолда, улардан тарбиявий мақсадларда фойдаланишни талаб қилади.

Фарғона водийсидан анчагина тош даври қуролилари, турли манзилгоҳлар топилган. Рус олими А.П.Окладников томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида эса олдин фанга номаълум бўлган янги ёдгорликлардан – Қапчиғай устахонаси, М.Р.Қосимов томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида эса Қалача 1-5 манзилгоҳлари топилган бўлса, У.И.Исломов бошчилигидаги экспедиция аъзолари Сўх водийсида ва Марказий Фарғонада мезолит даври (Обишир маданияти)га оид ёдгорликлар,

неолит даври жамоалари манзилгоҳлар борлигини аниқлаганлар.

Бу материаллар бевосита тасвирий санъат тарихига оид миллий-худудий мақомдаги манба сифатида ўқувчиларнинг умумий бадиий саводхонлигини оширишда қўлланиши мумкин.

Кўхна замонлардан Фарғона водийси ўзининг хунармандчилиги ва сифатли, гўзал маҳсулотлари билан дунёга машхур бўлган.

Бу минтақадаги хунармандлар, усталар турли худудлар бўйлаб жойлашганлиги сабабли, Марғилон, Хўжанд, Кўқонда ипак ишлаб чиқариш, Бешариқда матога ишлов бериш, Наманганда тери-чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Риштон ва Ўратепада эса асосан кулолчилик, Ойим, Дардак қишлоқларида гиламчилик, Марғилонда абр матолари, Чустда пичоқчилик ва дўппичилик ривожланган (И.И.Гейер).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марғилон аҳолиси ипак, ипак толаси ва атлас матолар, жун ва қоғоз матолар ишлаб чиқариш билан ҳам машхур бўлган.

Фарғона водийси аҳолиси маданияти ёдгорликларида кўп кузатилган ва археологик адабиётларда қайд этилган умумийлик элементлари, асосан, сопол буюмларда кузатилади. Бу ҳолат фарғоналикларнинг тоғ томон силжиши ёки водий ва тоғли қабилалар ўртасидаги узвий алоқалар ўша даврда атрофдаги чорвадорлар учун Фарғона водийси хунармандчилик маркази бўлганлигини тахмин қилиш имконини беради.

Анъана пухта ишлаб чиқилган усул, бадиий ифоданинг темир қонун-қоидалари ва халқ амалий санъатини яхлит идрок этишнинг ўзига хос тилидир. Ушбу позицияда келтирилган фактлар тадқиқотда асосий ўрин тутди. Биз оилани муҳим оимлардан бири деб ҳисоблаймиз. Инсоният тарихий тараққиётида оиланинг энг муҳим амалиётларидан бири – зурриёт қолдиришдир. Шунинг учун ҳам аёлнинг бебаҳо ҳислатларидан бири унинг фарзанд кўриши деб ҳисобланган. Болага меҳр қўйиш, кўп болали оилаларни ҳурмат қилиш, оиллага серфарзандликни тилаш каби эзгу ниятлар ўзбеклар миллий руҳиятининг ифодаси бўлиб, халқ орасида қадимдан фарзанд кўриш бахти энг юксак саодат ҳисобланади.

Агар чақалоқнинг отаси ёки онаси санъаткор, ижодкор бўлса (безакчи – наққош, дурадгор, тўқувчи, зардўзи ва б.), бунда ҳар бир бадиий асар боланинг кўз олдида, у яшаётган ва улғаяётган муҳитда дунёга келади. Бола ўзлаштирган билим ва тажрибаси унинг бадиий идрокини фаоллаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари бола кўчада, жамоат жойларида, маданият масканларида халқ амалий санъатининг турли хил элементларига дуч келади.

Тасвирий санъат таълими жараёнида миллий-худудий материаллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг: (1) она юрт ҳақидаги билимларини – унинг санъати, анъаналари, маданияти тарихи тўғрисидаги маълумотлар билан бойитиш; (2) Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик кадрлар, она-Ватанга муҳаббат билан боғлиқ мавзуларда композициялар яратиш; (3) она юрт табиати, анъаналари ва тарихий-маданий манбааларини асраб-авайлашга масъулиятни янада кучайтириш; (4) ижодий салоҳият ва уларнинг билиш фаоллигини

ривожлантириш; (5) бадий-эстетик тафаккурини шакллантириш сингари вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Тадқиқот ишимизда амалдаги ДТС ва ўқув дастур асосида ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мувофиқ миллий-худудий мазмундаги материалларни дарсларга киритиб борилди, бу эса ўқувчиларни Фарғона водийсидаги туб аҳолининг ҳаёти, турмуш тарзи ва маданияти билан таништириб бориш ва улар асосида оддий ва содда ижодий ишларни бажариш имконини яратди.

Диссертациянинг **“Миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришнинг экспериментал тадқиқи”** номли учинчи бобида тасвирий санъат таълимида миллий-худудий материаллар воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бадий-эстетик тафаккурини шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни, ўтказиш методикаси, ташкил этишнинг асосий босқичлари, шунингдек, тажриба-синов ишларининг натижалари ва самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Тасвирий санъат воситасида борликни идрок этиш, ўз навбатида миллий-худудий мазмундаги материалларни тасаввур қилиш билан ўзаро боғлиқдир. Чунки, тасаввур – борлиқ ҳақидаги яхлит, умумлаштирилган билимлар йиғиндиси бўлиб, ўқувчилар теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида қанча маълумот, билимга эга бўлсалар, уларнинг дунёқараши ҳам шу даражада шаклланиб боради.

Тажриба-синов ишларининг мақсади тасвирий санъат таълимида миллий-худудий материаллар воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бадий-эстетик тафаккурини ва замонавий технологиялар ёрдамида ўқувчиларда мужассам билим, кўникма ва малакани такомиллаштириш, ўқувчиларнинг креатив фикрлаш қобилиятини, таълимнинг узвийлик, узлуксизлик, алоқадорлик, таққослаш, онглилик, мустақиллик, индивидуаллик тамойилларига таяниб, ўқувчиларни олган билимларини амалиётда синаб кўриш ва натижаларини аниқлашдан иборат.

Тасвирий санъат таълими самарадорлигини оширишда миллий-худудий материалларни ҳисобга олган ҳолда тасвирий санъат дарсларини ташкил этишнинг самарали шакл ва методлари ишлаб чиқилди. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ёш хусусияти, қобилиятини инобатга олган ҳолда уларнинг ижодий ишларида миллий-худудий материалларнинг акс этишини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Тасвирий санъат дарсларида миллий-худудий материаллардан самарали фойдаланишнинг методик тизими таклиф этилди.

Миллий-худудий материаллар воситасида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва бадий-эстетик тафаккурини шакллантиришда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинди: ўқувчилар учун дарснинг қизиқарлилиги даражасини инобатга олиш; дарс мавзулари мазмунининг тушунарлилиги; топшириқларни мустақил ва қийинчиликларсиз бажара олиши; ўзлаштирган билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай олиши; янги мавзуларни

ўзлаштира олиши (қизиқишларини инобатга олиш); машғулотларда узвийлик, изчиллик ва алоқадорликка амал қилиш; дарс жараёнида фойдали ахборотларни эгаллашлари; ўқувчиларнинг ижодий фикр юритган холда, амалий ишларни мустақил бажара олиши; миллий-маданий меросимизга хурмат туйғусини шаклланганлиги.

Ўқувчиларга миллий-худудий мазмундаги ва ўлкашуносликка оид материаллар тақдим этилганда уларда дастлаб “предметли (образли) тафаккур” пайдо бўлгани, унга кўра ўқувчининг ўзи идрок қилган нарсалар шунингдек, атрофдаги нарсалар (тарихий-маданий обидалар) ҳақидаги тасавури ўсгани кузатилди. Ўқувчилар тасвирий санъат ўқитувчиси тақдим этган материаллардан нусха кўчиришдан секин асталик билан теварак-атрофдаги нарсалар ифодаланган расмларни чиза бошладилар ва уларда табиатга бўлган ўзларининг муносабатини ифодаладилар.

Ишлаб чиқилган методлар ўқувчиларнинг ижодий фаолияти ва бадиий-эстетик тафаккурини шакллантиришга хизмат қилди. Тажриба-синов ишлари Фарғона вилоятининг Фарғона туманидаги 26- сонли, Фарғона шаҳридаги 1-, 5- сонли, Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги 21- сонли, Андижон шаҳридаги 30-, 42- сонли, Наманган вилоятининг Наманган шаҳридаги 31- ва 63-сонли ҳамда Чортоқ туманидаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилди. Тажриба-синов ишларига жалб этилган респондент-ўқувчиларнинг сони жами 386 нафарни ташкил этди.

Таълим сифатини яхшилаш ўқувчиларнинг интеллектуал фаоллигини оширишга мўлжалланган замонавий педагогик технологияларни қўллашни тақозо этади. Шу мақсадда интерфаол усуллардан фойдаланиш яхши самара беради. Интерфаол усул, маълумки, ўқувчи ва ўқитувчининг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишидир.

Фаоллик ўз-ўзидан вужудга келмайди, албатта. Ўқувчилар фаоллиги куйидагиларни амалга ошириш орқали рўёбга чиқади: ўқувчининг дарсга мунтазам ва фаол қатнашишини таъминлаш; ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида онгли, ижобий муносабатларни ўрнатиш; ўқувчининг турли ахборот манбалари билан мустақил ишлай олиш малакасини ҳосил қилиш; ижтимоий муҳим ижобий фазилатларни эгаллаш.

Фаоллик онглилик асосида пайдо бўлади. Тасвирий санъат таълими жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларнинг диққат-эътиборини ўрганилаётган объектга қаратиш, ақлий фаолият маҳсули бўлиши мантикий фикрлашга ўргатиш билан боғлиқдир.

Тажриба-синов ишларида ноанъанавий дарс турлари, тестлар, ролли ўйинлардан, интерфаол метод ғоясидан кенг фойдаланилди.

Мактабларда олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарадорлигини кўрсатувчи статистик таҳлил маълумотларига асосланиб, тажриба-синов ишлари самарадор ўтганлигига ишонч ҳосил қила оламиз.

Анкета сўровномаси ўтказиш йўли билан тасвирий санъат турлари ва миллий-худудий материалларни ўзлаштиришда ўқувчилар дуч келаётган қийинчиликларни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Учинчи бобнинг охирида экспериментал тадқиқот жараёнида

эришилган натижаларнинг таҳлили келтирилади. Тадқиқот чоғида бажарилган барча ишларнинг умумлаштирилган натижалари таҳлил қилинди. Бунда математик статистика методидан фойдаландик. Миқдорий кўрсаткичлар рақамлар ва фоизларда қайд этилди, сифат эса педагогикада қабул қилинган “юқори”, “ўрта”, “паст” даражани ифодаловчи баҳолаш усулида аниқланди.

Методик усуллардан қуйидагилар қўлланилди: савол-жавоб, миллий мерос акс этган нарсаларни тасвирлаб бериш ҳамда уларни қоғозда акс эттириши, чизиш, ролли ўйинлар ўтказиш, тестлар ечиш ва бошқалар. Эксперимент якунида ўқувчиларга ўлкашуносликка доир матн ва расмлар берилди.

Тажриба-синов аввали ва сўнггидаги натижалар умумлаштирилиб, қуйидаги жадвал кўринишида акс эттирилди:

1-жадвал.

Миллий-худудий материаллар воситасида ўқувчиларда ижодий фаолият ва бадиий-эстетик тафаккурни шакллантириш самарадорлиги (тажриба бошида ва якунида)

	Мезонлар	Тажриба гуруҳи 191 нафар						Назорат гуруҳи 195 нафар					
		юқори		ўрта		паст		юқори		ўрта		паст	
		т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.
1	Ижодий фаолият	45	81	67	72	79	38	47	61	72	77	71	62
2	Бадиий-эстетик тафаккур	43	87	71	75	77	29	49	54	74	78	72	63
3	Тасаввур	48	77	68	84	75	30	56	55	73	75	66	65
4	Мазмунни тушуниш	47	88	69	72	75	31	61	48	69	75	65	72
5	Интуиция	44	87	68	78	79	26	52	58	75	70	68	67

Тадқиқотда иштирок этган ўқувчиларни икки гуруҳга: назорат ва тажриба-синов гуруҳларига бўлиб олинди.

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда Фарғона водийси бадиий маданияти, бадиий кадриятлари – рангтасвир тўғрисидаги ўқувчиларнинг дастлабки ва кейинги босқичлардаги қизиқишларининг ривожланганлик даражаси Стъудент мезони ва Нейман ишончли интерваллари асосида математик-статистик таҳлил қилинди. Тажриба-синов жараёнларига жами 386 нафар ўқувчи жалб этилди. Шундан, 191 нафари тажриба гуруҳида ва 195 нафари назорат гуруҳида иштирок этди.

Тажриба-синов ишларида иштирок этган 65 та биринчи 5-синф ўқувчиларнинг маҳаллий материалларга оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида тест саволлари берилди. Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз.

Энди 1-расмдаги маълумот-ларни математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба-синов ишларида иштирок этган 65 нафар 5-синф, 63 нафар

6-синф ва 63 нафар 7-синф ўқувчиларининг миллий-худудий ва ўлкашунос-ликка оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида тест саволлари берилди.

2-жадвал.

Миллий-худудий материаллар воситасида ўқувчиларда бадиий-эстетик тафаккурни шалланганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари (тажриба гуруҳида)

Синфлар	Тажриба гуруҳи $Y_i = 191$ нафар					
	Жавоблар сони					
	юқори	%да	ўрта	%да	паст	%да
Тажриба бошида	45	23	67	36	79	41
Тажриба якунида	66	35	111	58	14	7

Яқуний савол-жавоб ўтказилганда тажриба-синов гуруҳида 66 нафар ўқувчи (35 %) юқори даражада, 111 нафар ўқувчи (58 %) ўрта даражада ва 14 нафар ўқувчи (7 %) паст даражада ўзлаштиришга эга эканлиги аниқланди.

Назорат гуруҳида иштирок этган 67 нафар 5-синф, 64 нафар 6-синф ва 64 нафар 7-синф ўқувчиларининг миллий-худудий ва ўлкашуносликка оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида тест саволлари берилди.

3-жадвал.

Миллий-худудий материаллар воситасида ўқувчиларда бадиий-эстетик тафаккурни шалланганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари (назорат гуруҳида)

Синфлар	Назорат гуруҳи $N_i = 195$ нафар					
	Жавоблар сони					
	юқори	%	ўрта	%	паст	%
Тажриба бошида	20	10	113	57	62	33
Тажриба якунида	21	11	113	57	61	32

Назорат гуруҳининг жавоблари таҳлил қилинганда, 21 нафар ўқувчи (11 %) юқори даражада, 113 нафар ўқувчи (57%) ўрта даражада ва 61 ўқувчи (32 %) паст даражада билимга эга эканлиги тасдиқланди.


НГда бадиий-эстетик тафаккурни шаклланганлик даражаси текширилганда 5-синфда “юқори” билим даражасига эга бўлган ўқувчилар – 8 (12%), “ўрта” – 37 (61%), “паст” – 22 (27 %), 6-синфда “юқори” – 7 (11%), “ўрта” – 38 (65%), “паст” – 20 (24%), 7-синфда “юқори” – 6 (10%), “ўрта” – 38 (66%), “паст” – 19 (24%)ни ташкил қилди.

ТГ ўқувчиларда бадиий-эстетик тафаккурни шаклланганлиги бўйича қуйидагилар аниқланди: 5-синфда “юқори” – 23 (35%), “ўрта” – 38 (58%), “паст” – 4(7%), 6-синфда “юқори” – 22 (35%), “ўрта” – 36 (57%), “паст” – 5 (8%), 7-синфда “юқори” – 21(33%), “ўрта” – 37(59%), “паст” – 5(8%) билим даражаларига эга.

Жадвалда НГ ва ТГнинг тажриба-синов олди ва тажриба-синов ишларидан кейинги кўрсаткичлари таққосланганда, НГда сезиларли ўзгариш бўлмади, ТГда эса бу кўрсаткич юқорилиги қайд этилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги

диаграммани ҳосил қиламиз.



1-расм. Педагогик тажриба-синовнинг умумий статистик таҳлили диаграммаси.

Диаграммадан кўришиб турибдики, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан

